

ЭЛЕОНОРА БАБАЕВА

МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА



ТОШКЕНТ

Э.БАБАЕВА

**МАЪРИФАТ
ЙЎЛИДА**

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 323 (575.1)
ББК 74.03 (5)
Б12

Б12 Э.Бабаева. Маърифат йўлида. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 108 бет.

ISBN 978–9943–10–648–2

Ушбу китобда Араб Шарқи халқлари ижтимоий ҳаётида чуқур из қолдирган таниқли маърифатпарварларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди ва дунёқараши ҳамда уларнинг араб ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури ривожидида тутган ўрни ёритилган. Бунда араб маданияти ривожидида “ан-Нахда ал-арабийя” (“Араб Уйғониши”) нинг мавқеига алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, XIX – XX аср бошларида араб ижтимоий тафаккуридаги асосий оқимлар – араб маърифатчилиги, ислом ислоҳчилиги, миллий озодлик ҳаракати мафкураси ва бошқаларнинг шаклланиши ҳамда ривожини ўз аксини топади.

Китоб илмий тадқиқотчилар – тарихчилар, шарқшунослар, арабшунослар ва шу йўналишда билим олаётган талабаларга ҳамда Шарқ халқлари мероси билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Муаллиф китобни чоп этишга ёрдам берган Ўзбекистондаги Бирлашган Араб Амирликлари элчихонаси, Шайх Сайф бин-Зайд ал-Нахайан жаноби олийларининг Тошкентдаги ваколатхонаси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси ва Фаластин Давлати элчихонасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор Р.НОСИРОВ

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ.АЛИҚУЛОВ
фалсафа фанлари номзоди, доцент М.ҚОДИРОВ

ISBN 978–9943–10–648–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, жаҳондаги барча мамлакатлар қатори, Хорижий Шарқ – Ҳиндистон, Покистон, араб мамлакатлари, Эрон, Туркия ҳамда бошқа давлатлар билан ўзаро дўстлик ва манфаатли ҳамкорлик асосида иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатди ва бу алоқалар тобора ривожланмоқда. Шарқ халқлари маданияти, маънавияти, шунингдек, ижтимоий-фалсафий тафаккурига бўлган қизиқиш, шубҳасиз, кучайиб бормоқда. Бунинг боиси Араб Шарқи ва Марказий Осиё халқлари тарихи умумийлиги туфайли уларнинг фалсафий, диний-ахлоқий, маънавий меросида ўзаро яқинлик ва ҳамоҳанглик борлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросини чуқурроқ ўрганишга даъват этган эди.

Ҳозирги замон Хорижий Шарқ халқларининг маънавиятини, фалсафасини ўрганиш борасида мамлакатимизда илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга бу йўналишда қилинадиган ишлар ҳали кўп.

Ушбу китобда XIX аср охири – XX аср бошларида араб халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккуридан кенг ўрин олган араб маърифатчилиги оқими ва унинг заминида шаклланган бошқа таълимотлар намояндаларининг ижоди, фаолияти, дунёқараши ҳақида фикр юритилган. Бунда узоқ муддатга чўзилиб кетган турғунлик, араблар онгида асрлар бўйи ҳукм суриб келган схоластик диний тасаввурлар XIX аср охири – XX аср бошларида Ғарбдан келган ғоялар, таълимотлар билан танишиш туфайли араблар онгида кескин ўзгаргани кўрсатилади.

Маълумки, илгари кучли давлат бўлган Усмонли салтанати XVI асрдан бошлаб чуқур инқирозга юз тута бошлади. Турк салтанати таркибида бўлган араб мамлакатларига эса XVIII аср охири ва XX аср бошларидан ривожланган Европа мамлакатлари, айниқса, Англия ва Франциянинг қизиқиши кучаяди ҳамда уларга нисбатан аста-секин сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ўтказила бошланади. Айрим араб мамлакатлари босиб олиниб, мустамлакага айлантирилди, бошқалари эса иқтисодий ва сиёсий жихатдан қарам

қилинди. Охир-оқибат, араб халқлари бошдан кечираётган турк ҳокимияти зулмига Европа давлатларининг мустамлака зулми ҳам қўшилди.

Ғарб мамлакатлари билан яқинлашув оқибатида араблар, бир тарафдан, Ғарб мустамлакачиларининг кучайиб борган тазйиқига учрадилар, иккинчи тарафдан, Ғарб маданияти уларнинг онгига ижобий таъсир этди.

Араблар мустақилликни йўқотган сари, уларда норозилик ва миллий мустақиллик учун кураш ғоялари уйғона бошлади. Шу билан бирга, уларга Европа фан-техника тафаккури ва маданияти ҳамда фалсафий таълимотлар, маърифатпарварлик ғоялари катта таъсир кўрсата бошлади. Шу давр араб намояндаларининг қарашлари ва фаолиятида ислоҳчилик ҳамда маърифатпарварлик, миллий озодлик ва миллатпарварлик ғоялари мужассамланган эди. Улар дин ва уни ислоҳ қилишни ҳам, илм-маърифат тарқатишни, озодлик учун курашни ҳам бирга қўшиб олиб боришга интилардилар. Араб маърифатпарварлари Шарқ мамлакатларидаги заифлик ва тушкунликнинг асосий сабабини жоҳиллик ва маърифатсизликда деб билиб, турғунлик ва қоқоқликка қарши, илм-маърифат, тарбия ва ахлоқни яхшилаш масалаларига диққат-эътибор қаратдилар.

Ушбу китобда шулар ҳақида сўз юритилади.

“Ан-Наҳда” ва унинг араблар маданиятида тутган ўрни

“Ан-Наҳда ал-арабийя”¹ тушунчаси “тикланиш”, “юксалиш”, “уйғониш” ёки “араб Ренессанси”² маъноларида кенг қўлланилади. “Ан-Наҳда” XIX – XX аср бошлари араб мамлакатларида маданий юксалиш даври ҳисобланади. Умуман олганда, бу ҳодиса ривожланган араб мамлакатларида арабларнинг онгидаги ва ижтимоий ҳаётидаги “европалаштириш” жараёни деб тушунилади. Ушбу жараёнда араблар ҳаётида кескин силжишлар рўй берди. Бу – маданий ҳаёт жонланиши, янги араб адабиёти шаклланиши, маърифатпарварлик ҳаракати ва мусулмон ислоҳчилиги пайдо бўлиши, эски тузумга қарши ҳамда миллий озодлик ҳаракатига назарий замин яратиш учун ғоялар ишлаб чиқиши билан

¹ “Наҳда” (олға ҳаракат қилиш) сўзидан олинган.

² Албатта, бу ерда Ренессанс “мусулмон Ренессанси” ёки “Европа Ренессанси” маъносига тўғри келмайди, чунки улар бир-биридан мохиятан ва шаклан фарқ қилади. Машхур рус олими И.Ю.Крачковский ўз асарида бу даврни “араб адабиётининг уйғониши” ёки “араблар уйғониши” деб атаган. (Қаранг: И.Ю.КРАЧКОВСКИЙ. Избр.Соч.Т.3.С.70.)

ифодаланувчи давр эди. Ушбу даврда мутафаккирлар ва адиблар – барча ватанпарвар зиёлилар ижодида диний ислоҳчилик ғоялари, мустақиллик учун кураш, Ғарбнинг илғор фани ва маданиятини ўрганиш масалалари, халқ орасида илм-маърифат тарқатиш ғоялари ўз аксини топди.

Бу жараён XIX аср биринчи чорагидан, Муҳаммад Алининг (1805 – 1848) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ер ислоҳотлари орқали ҳамда Европа мамлакатлари билан маданий алоқалар ўрнатилган бошлагач, ривож топди. Бунга Наполеоннинг Миср ва Фаластинга юриши (1798-1801) туртки бўлди.

Французларнинг Мисрга кириб келиши ва бу ерда уч йил давом этган истилоси мисрликлар ҳаётида маълум ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Халқ орасидан чиққан ва ҳукмдор даражасига кўтарилган Муҳаммад Али Миср тарихида ёрқин из қолдирди. Муҳаммад Алининг буюк хизмати шундаки, расман Туркия таркибида бўлган Миср мустақил давлатга айланди. Миср саноати ва қишлоқ хўжалиги бирмунча ривожланди. Ер ислоҳоти натижасида йирик ер эгаларидан, вақфлардан олинган ерлар давлат ихтиёрига ўтди: ҳарбий ислоҳотлар натижасида кучли армия ва ҳарбий-денгиз флоти тузилди. Маданият ва маърифат соҳаларида ҳам ислоҳотлар ўтказилди. Муҳаммад Али европача шаклдаги хусусий мактаблар очди, иқтидорли ёшларни Францияга таълим олишга юборди, босмахона очди, ўз матбуотини яратди ва Сувайш каналининг қурилиши лойиҳасини тайёрлай бошлади.

Ҳар хил йўналишдаги хусусий мактаблар очилиб, уларда европача ўқитиш услуби қўлланилди. Улар орасида муҳандислик, математика йўналишидаги политехника мактаби – “Муҳандис хона” (1816), “Тиллар мактаби” (“Дар ул-алсун”, 1835) алоҳида ажралиб турарди. “Тиллар мактаби” Европа тилларини билувчи таржимонлар тайёрлаш билан шуғулланарди. Натижада араб китобхони Европанинг кўп мумтоз асарлари, илмий тадқиқотлари билан танишди. 1873 йилда “Дар ул-улум” (“Илмлар уйи”) коллежи очилди. Унда диний илмлар билан бирга, табиий ва риёзиёт фанлари ҳам ўқитилган бошланди.

Таниқли миср олими, филолог, шоир ва илоҳиётчи Ҳасан ал-Аттор (1766 – 1838) янги дунёвий илмларни татбиқ этишда жонбозлик кўрсатди. У француз олимлари ва Ғарбий Европанинг илмий ютуқлари билан танишгач, “ватанимиз ўзига нотаниш

билимларни ўзлаштириш орқали, албатта, ўзгариши ва янгиланиши керак”³, – деган фикрга келади.

1830 йилда Ҳасан ал-Аттор ал-Азхар университети ректори лавозимига тайинланди ва талабаларнинг бутун бир авлодини етиштирди. Улар орасида таниқли илоҳиётчи ва филолог Муҳаммад ат-Тунисий (1789–1857), шайх Муҳаммад Айад ат-Тантавий (1810–1861), кўзга кўринган адабиётшунос, маърифатпарвар ва жамоат арбоби Рифоа ат-Тахтовийлар (1801–1873) бор эди.

“Ан-Наҳда” бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи икки йўналишда ривожланди. Бир тарафдан, ўтмишдаги бой маданий меросга мурожаат этиш ва, иккинчи тарафдан, Ғарб маданияти ютуқларини ўзлаштириш, яъни Ғарб ва Шарқ маданиятларини уйғунлаштириш асосида ривожланди. Бу, биринчидан, арабларнинг ўз урф - одатларини сақлаган ҳолда, миллий маданиятни ривожлантириш хоҳишини кўрсатган бўлса, иккинчидан, Европа илмий-техникавий тафаккури ютуқларига, Ғарб маданияти ва турмуш тарзига қизиқишини намоён қилди. Улар ўз келажаги Европа билан боғлиқлигини тушунишарди.

“Ан-Наҳда”га хос бўлган мафкуравий жараёнларда маърифатчилик алоҳида ўрин эгалларди. Араб маърифатпарварлари ижтимоий тараққиётга маърифатчилик йўли билан етишиш мумкин дея, ўз олдиларига таълимни, илмий- техникавий билимларни халқ орасида тарғиб этиш вазифасини қўйдилар. Кейинчалик бу маърифий ғоялар тараққиётга тўсқинлик қилаётган эски тузум, сарқитлар, орқага тортаётган анъаналарга қарши йўналтирилган кенг мафкуравий ҳаракатга айланди.

Маърифатчилик заминида XIX асрнинг охириги чорагида диний йўналиш – мусулмон ислоҳчилиги пайдо бўлди. У моҳиятан мураккаб ҳодиса бўлиб, исломдаги рационалистик оқим сифатида танилди. Бу оқим вакиллари ижтимоий тузум асосини маърифий ислом ташкил этиши лозим, ўшандагина жамиятда зиддиятлар йўқолади, деб ҳисобларди. Мусулмон ислоҳчилари инсон ақл-заковатини тараннум этиб, схоластик ақидавий тушунчаларга қарши чиққанлар. Инсоннинг ёруғ дунёдаги ҳаётини камситган сўфийлар таълимотига ақл-идрок ва иродага эга бўлган меҳнат аҳлини тараннум этган инсонпарварлик таълимотини қарши

³ КИРИЛЛИНА С.А. Ислам в общественной жизни Египта. –М.: 1989. –С. 162.

кўярдилар. Улар дин инсон ҳаётида етакчи ўринни эгаллайди, деган ғояни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий тараққиётга ислоҳ қилинган дин орқали эришиш мумкин. Ислом ислоҳчилиги Мисрда пайдо бўлиб, кейинчалик бутун ислом дунёсига тарқалди ва ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатди.

“Ан-Наҳда”нинг хусусияти шунда эдики, бу даврда араб мамлакатларида ижтимоий онгнинг ривожланиши сезиларли даражада намоён бўлди. Арабларга, уларнинг маданий ва мафкуравий юксалишига французлар жуда катта таъсир кўрсатганликларини кўп тадқиқотчилар яқдиллик билан тан оладилар.

Бунда XVIII аср француз маърифатпарварлари ва Буюк француз инқилоби алоҳида ўрин эгаллайди. Француз маърифатпарварлари мафкураси ва француз инқилоби ғоялари араб жамиятига ҳар хил йўллар билан кириб келди. Шундай йўллардан бири Наполеон Бонапарт 1798 йилда Мисрга ўз аскарлари билан кириб келганда мисрликларга қарата манифест билан мурожаат қилганлигидир. Бу манифест “Бисмиллоҳ ар-рахмон ар-рахим” сўзлари билан бошланади. Манифест матнида шундай сўзлар бор: “Менинг бу ерга кириб келишимдан мақсад сизларнинг ҳуқуқларингизни золимлар ҳукмидан ҳимоя этишдир..., ҳамма одамлар худо олдида тенгдир, уларни бир-биридан фарқ қиладиган нарса ақли, шаъни ва билимидир..., бундан буён Мисрда истиқомат қилувчи ҳар бир киши юқори лавозимларга ва олий шарафларга эга бўлиши мумкин. Сизларнинг энг ўқимишли, адолатли ва ақллиларингиз ишларни бошқаради ва шу тарика бутун халқнинг аҳволи яхшиланади”⁴.

Шундай қилиб, араблар француз инқилобининг ҳамманинг ҳуқуқи тенглиги ҳақидаги ғоялари билан биринчи бор ошно бўлдилар. Улар французлар орқали матбуот, босмахона, европача шаклдаги мактаблар ва бошқалар билан танишдилар, буларнинг ҳаммаси арабларнинг ўзлигини англашини кучайтирди, фикрмулоҳаза юритишига сабаб бўлди, Европа ютуқларини ўз ватанларида қўллашга даъват этди.

Мисрда маърифатчилик ҳаракатининг бошланиши 1821 йилда “Булоқ” номли биринчи давлат босмахонаси очилиши билан боғлиқдир. Бу ерда 1828 йилда биринчи миср газетаси “Ал-Мисри ал-вақои” нашр этила бошланди.

⁴АЛЬ-ДЖАБАРТИ, АБД АР-РАХМАН. Египет под властью Мухаммеда Али (1806 – 1821). – М.: 1963.

Араблар Европа ютуқлари билан танишишининг бошқа бир йўли араб саёҳатчилари эди. 1826 йилда Муҳаммад Али 44 нафар ёш мисрликларни Францияга ўқишга юборади. Улар ўз кўрганлари, таассуротлари ҳақида асарлар ёзишди. Булар Рифоа ат-Тахтовий, Аҳмад Фарис аш-Шидьяк, Франсис Маррош ва бошқалардир.

Булардан ташқари, араблар европаликларнинг таржима қилинган асарлари орқали Европа халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий тафаккури билан яқиндан танишадилар. Турк маърифатпарварларининг асарлари, французчадан турк тилига қилинган таржималари бу йўналишда маълум даражада кўмак берди. Кўпчилик араблар турк тилини билишарди.

1865 йили турк султони сиёсатидан норози бўлган турк офицерлари давлат ходимлари ва зиёлиларни жалб этиб, “Янги усмонийлар” ҳаракатини ташкил қилишди. Уларнинг мақсади Усмонли салтанатини тараққиётга замин туғдирадиган конституцион монархияга айлантириш эди. “Янги усмонийлар” қарашлари Ғарбий Европа маърифатчилиги таъсири остида шаклланган бўлиб, улар мазкур маърифатчилик “Эркинлик, тенглик, биродарлик” шиорининг Қуръон, ислом тамойилларига ҳамоҳанглигини тушунтиришарди. Туркиядаги бу ҳаракат арабларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

XIX асрда Сурия маданиятда бошқа араб мамлакатларига нисбатан анча илгарилаб кетди. Шунинг учун у “ан-Наҳда” миллий юксалиш ҳаракатининг асосий марказига айланганди. Бу ўлкадан анча мутафаккирлар, олимлар ва адиблар етишиб чикди. Сурия аҳолисининг кўпчилиги христиан бўлиб, уларнинг европалик христианлар билан алоқалари яқин эди.

XVI асрдан бошлаб чет эллик миссионерлар ташаббуси билан бу ерда мактаблар очилиб, уларда европалик ўқитувчилар дарс бера бошлади. Ёшлар рим-католик черкови ёрдамида Франция, Италияга ўқишга боришарди. Ғарб миссионерлик ҳаракати кейинчалик янада ривожланди. Мамлакатда мактаблар, босмаҳоналар очилиши сурияликлар учун чет тилларни яхши ўзлаштириш имконини туғдирди. Улар Ғарб адабиёти, Ғарб халқлари турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий-фалсафий тафаккури билан аслият тилида яқиндан танишишди. Буларнинг ҳаммаси сурияликлар онги ўзгаришида катта бурилиш бўлди.

Сурияда турк ҳукмдорларнинг зулми кучайгани сабабли XIX асрнинг 70-йилларида суриялик зиёлилар махфий жамият тузишди.

Уларнинг мақсади Сурия мустақиллиги ва демократик ўзгаришлар учун кураш эди. Сиёсий ва иқтисодий аҳволи оғирлашгани сабабли, кўп сурияликлар ватанни ташлаб, Шимолий ва Жанубий Америкага кетишга мажбур бўлишганди. Айрим суриялик тараққийпарвар ёзувчи ва публицистлар XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Мисрда яшаб ижод этишган.

Бошқа тарафдан эса, Сурияда христиан миссионерлар фаолияти кучая бошлади, айниқса, америкалик протестантлар маҳаллий аҳоли билан яқиндан танишиб, кенг кўламда фаолият олиб борди. Улар ўқув юртлари очишди, диний, илмий тарғибот билан шуғулланишди. Сурияликларда уларга нисбатан миннатдорлик туйғуси ошиб борар, илиқ кайфият кучаярди. Натижада америкалик протестантлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Суриялик зиёлилар орасидан бир қанча адиблар, маърифатпарварлар, олимлар етишиб чиқди ва улар араб маданияти, араблар равнақи, эркинлиги ҳамда ижтимоий тараққиёти учун жонбозлик кўрсатишди, ўз маърифий фаолияти билан бутун бир авлодни тарбия қилишди.

Миср ва Сурияда Ғарб билан яқинлашув араб адабиётида янги йўналиш пайдо бўлишига замин яратди. Адабиётда мавжуд анъанавий жанрлар – мақола, қасида, марсия ва бошқалар билан бирга, янги замонавий жанрлар – новелла, ҳикоя, қисса, роман, пьеса ва ҳоказолар пайдо бўлди. Араб романини ёзишда, аввало, Салим ал-Бўстоний, кейинчалик Журжий Зайдон маҳорат кўрсатишди.

1870 йилда Мисрда хадив Исмоил поша ташаббуси билан театр очилди, драматург Ёқуб Санну унга бир неча пьеса ёзиб берди. У Европа драматургия ва сахналаштириш ишлари ҳамда услублари билан яхши таниш эди. XIX асрнинг 70-йиллари ўрталарида сурияликлардан Адиб Исҳоқ ва Салим Наққош Искандарияда араб театри очишга муваффақ бўлишди.

Сурия шаҳарларида театр бўлмаса-да, клуб тўғаракларида, айниқса, Сурия маърифатпарварлар жамиятида спектакллар тез-тез қўйиларди. Дамашқда 1868 йилда Иброҳим Аҳдабнинг (1826 – 1891) “Александр Македонский” трагедияси қўйилди. Салим ал-Бўстоний В.Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини таржима қилди. Унинг “Ромео ва Жюльетта”га ўхшатиб ёзган “Қайс ва Лайли” пьесаси 1868 йили Байрутда сахналаштирилди. Шекспир



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/647> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/647> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/647>